

**КАТТАЛАР ТАЪЛИМИДА КОМПЕТЕНЦИЯВИЙ ЁНДАШУВ
(медиатив кўникмалар контекстида)**

*Моҳира Холиқова,
Ўзбекистон Республикаси
Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги
ҳузуридаги “Маҳалла ва оила”
илмий-тадқиқот институти катта илмий ходими,
фалсафа доктори, доцент*

*Дилдора Пўлатова,
“Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот
институти лойиҳа аъзоси,
PhD*

**Инсон учун билим олишнинг ўзи кифоя эмас,
билимни тараққиёт йўлида сарфламоқ керак.**
Иоганн Гёте

Audiatur et altera pars
(Пусть и другая сторона будет услышана)
Қадимги юнон афоризми

Ёд олингани эмас, фойда берадигани илмдир.
Имом Шофеъий

Тўртинчи саноат инқилоби, постглобаллашув, информацион жамият, маънавий-ахлоқий кадриятлар трансформацияси, сиёсий ва экологик хатарлар – XXI аснинг эволюцион парадигмаси инсон, жамият ҳамда таълим олдиға янги вазифаларни қўйди, хусусан, таълим-тарбия методологиясини қайта кўриб чиқиш, гуманистик ғояларни ҳимоя қилиш, постмодернистик жамиятда яшаш кўникмаларини эгаллаш, шахсий имкониятларни муттасил ривожлантиришни тақозо этди.

“Lifelong learning” - “умр давомида таълим олиш” концепциясининг пайдо бўлгани бежиз эмас.

Тараққиёт мутахассисларнинг касбий потенциалини қўллаб-қувватлаш, прогрессив иш услублари, методикалар, технологиялар билан таништириш, амалий компетенцияларини шакллантиришга ҳизмат қиладиган тизим – андрагогика олдиға ҳам янги талабларни қўймоқда.

Андрогогика таълим дастурлари жамият ва шахнинг концептуал муаммоларидан келиб чиқмоғи ҳамда асримизнинг қўйидаги билим ва кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилмоғи лозим:

- *креатив фикрлаш;*
- *янги гоёларни таклиф қилиш;*
- *шахс экологияси;*
- *ахборотлар билан ишлаш кўникмалари;*
- *зарур маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш, керакли хулосалар чиқара олиш;*
- *мулоқот кўникмалари;*
- *демократик давлатда яшаш кўникмалари;*
- *хуқуқий онг ва хуқуқий маданият;*
- *толерантлик, ҳар хил ижтимоий гуруҳларда муносабатларга тез киришувчан бўлиш;*
- *муаммонинг энг адолатли ечимини топа олиш;*
- *муайян соҳага доир кўникмалар;*
- *ижтимоий компетенциялар.*



Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги хузуридаги “Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институтида ҳам ходимларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш, фаолиятга илғор гоёл ва инновацияларни имплементация қилиш йўлида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, мутахассислар халқаро ҳамда ҳудудий миқёсда конференция, вебинар, интенсив курслар, семинар, тренингларда иштирок этиб, замонавий билимларни ўзлаштирмоқдалар. Бунинг маҳсули ўлароқ мутахассисларда замонавий корпоратив муҳит ва унга қўйилаётган талаблар ҳақида яхлит картина шаклланмоқда.

Маҳалла ва оила институти соҳасида зарур кўникмалардан бири оиладаги шахслараро муносабатларда келиб чиқадиган низоларни бартараф этишга қаратилган **медиатив техникалардир.**

Медиация инглиз тилидан таржима қилинганда “воситачилик” маъносини англатади. У келиб чиққан низони тарафларнинг ўзаро мақбул қарорга эришиш мақсадидаги ихтиёрий розилиги асосида, холис бўлган шахс, яъни медиатор кўмагида ҳал қилиш усулидир.



Учинчи шахс кўмагида низоларни ҳал қилиш усуллари қадим тарихга эга бўлиб, жумладан, **Шумерлар давлати, Месопотамия, Юнонистон,**

Ҳиндистон, Миср, Римда баҳс-мунозараларни ҳал қилиш учун айнан воситачилик технологиясидан фойдаланилган.

Миллий тарихимизда қадимдан юрт тинчлиги, эл осойишталигини таъминлаш, фуқароларга ҳар томонлама ёрдам бериш, низоларни ҳал қилишда адолатли бўлишга алоҳида эътибор билан қаралган.

Ҳадиси Шарифда *“Сизларга намоз, рўза ва садақа даражасидан ҳам афзал амал ҳақида гапирайми? Бу амал - одамлар орасини яхшилашдир, чунки одамлар ораларининг бузилиши бор диёнатни йўқ қилади”*, дея марҳамат қилинади.

Ва яна айтиладики, **“Мусулмонга ўз биродаридан уч кечадан ортиқ аразлаш ҳалол эмас”** (Абу Аюб Ансорий розияллоху анҳудан ривоят қилинади).

Турли низо ва баҳсларни ҳал этишда маҳалла, уруғ-аймоқлар, оиланинг катталари ва қариндошлар аралашуви ва кўмагига таянилган.

Халқимизда воситачиликнинг **қози, оқсоқол, даллол, миёнчи, совчи** каби ўзига хос шакл ва элементлари мавжуд бўлган.

Хусусан, қозилик мансабига обрў-эътиборга сазовор шахслар тайинланган. Қозиларни тайинлашда қуйидаги қоидага амал қилинган: **“Қозида беш хислат бўлса, у мукамал бўлади: ўзидан олдингилар илмини ўрганиш, таъмадан сақланиш, томонларга нисбатан ҳалимлик, имомларга иқтидо қилиш ва аҳли илм билан маслаҳатлашиш”**.

Бурҳониддин Марғиноний “Ҳидоя” асарида воситачиликнинг табиати ҳақида сўз юритиб, ҳакамлик қилишга розилик билдирган шахс қозиларга хос барча фазилатлар эгаси бўлиши лозимлигини таъкидлайди: **“Мабодо икки одам бировни ҳакамликка лойиқ кўриб, унинг чиқарган қароридан мамнунлик изҳор этган экан, бу қарор шак-шубҳасиз ҳақиқийдир”**.

Замонавий кўринишдаги медиация ХХ асрнинг ўрталарида АҚШ, Буюк Британияда таркиб топган.

Бугунги кунга келиб, медиация низоларни ҳал этишнинг энг кенг тарқалган альтернатив усули ҳисобланиб, фуқаролик жамиятининг муҳим элементи сифатида деярли барча ривожланган давлатлар амалиётида қўлланади.

БМТ Бош Ассамблеясининг 2018 йил 20 декабрдаги Резолюцияси асосида **«БМТнинг медиация натижасида халқаро тинчлик келишувлари тўғрисидаги конвенция»**си қабул қилинган.

БМТ халқаро савдо ҳуқуқи бўйича махсус Комиссияси томонидан **ишбилармонлик соҳасида низоларни бартараф этиш мақсадида медиация бўйича Намунавий қонун** ишлаб чиқилган.

Европа Иттифоқи мамлакатларида медиаторлар фаолиятини тартибга солувчи бир қатор меъерий ҳужжатлар мавжуд. Жумладан, 30 дан ортиқ Европа ташкилотлари экспертлари томонидан **медиаторлар хулқининг Европа кодекси** ишлаб чиқилиб, қабул қилинган.

Шунингдек, 2008 йилдан **“Медиациянинг айрим томонлари бўйича Европа директиваси”** амал қилади.

Дунё давлатларида медиацияга икки хил ёндашув бўлиб, хусусан, **АҚШ, Австралия, Янги Зеландия, Канада, Германия** каби мамлакатларда судья томонларга медиатор хизматига мурожаат қилишни таклиф қилади.

Буюк Британияда медиация давлат томонидан қўллаб-қувватланади. Ушбу мамлакатда медиациядан оилавий, фуқаролик, тижорат, трансчегаравий, корпоратив, кичик даъволар, вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятга оид низоларда фойдаланилади. Эътиборлиси, оилавий низоларда медиация харажатлари давлат томонидан қопланади. Бетараф воситачилар иштирокида яраштириш тартиби ҳамда махсус телефон хизмати ҳам мавжуд.

Австрияда оилавий низоларда медиация деярли мажбурий ўтказилади.

АҚШда низоларни ҳал қилишнинг миллий институти ташкил этилган ва у медиациянинг янги усуллари ишлаб чиқиш билан шуғулланади. Шунингдек, **Хитой, Гонконг, Корея, Ҳиндистон** каби мамлакатларда ҳам медиация институти ташкил этилган ва муваффақиятли фаолият олиб бормоқда.

Медиаторларнинг бевосита судларда иш олиб бориши потенциал судлашувлар сонини камайтиришга хизмат қилади.

2010 йилда Россияда «Учинчи шахслар иштирокида низоларни ҳал этишнинг муқобил жараёнларини тартибга солиш тўғрисида»ги қонун, Қозоғистон Республикасида 2011 йилда «Медиация тўғрисида»ги қонун қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикасининг **“Медиация тўғрисида”**ги қонуни 2018 йилда қабул қилинди ҳамда 2019 йилнинг 1 январидан кучга кирди. Бу орқали медиация институти Ўзбекистоннинг миллий қонунчилик тизимидан муносиб ўрин олди.

Ушбу қонуннинг мақсади – мамлакатимизда низоларни тартибга солишнинг муқобил усуллари ривожлантириш учун ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш, низолашувчи тарафларнинг низоларини мустақил, ўзаро фойдали шартлар асосида ҳал этиш имкониятини топишга кўмаклашишдан иборат.

Конфиденциаллик, ихтиёрийлик, шаффофлик, тарафларнинг ҳамкорлиги ва тенг ҳуқуқлилиги, медиаторнинг мустақиллиги, холислиги ва бетарафлиги ҳамда ўзаро ҳурмат медиация жараёнининг асосий тамойиллари сифатида эътироф этилади.

Медиацияни амалга ошириш натижасида тарафлар низони бартараф этиш бўйича умумий фикрга келган тақдирда, улар ўртасида ёзма шаклда медиатив келишув тузилади. Медиатив келишув шартлари бажарилмаган тақдирда, тарафлар ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этиши мумкин.



Медиация келишувга асосланган жараён бўлиб, унда низо томонлари ихтиёрий равишда бетараф учинчи шахс ёрдамида низо тартибга солиш имконини берадиган консенсусни топишга интилади.

Бетараф учинчи шахс – медиатор судья эмас ва келиб чиққан низо юзасидан ҳеч қандай мустақил қарор қабул қилмайди.

Маҳалла ва оила тизимида фаолият олиб боровчи мутахассисларнинг медиатив кўникмаларини такомиллаштиришнинг аҳамиятини ҳисобга олиб, ушбу йўналишда туркум тренинглари ташкил этилди.

Мисол тариқасида USAIDнинг Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ ислохотлари бўйича дастури (JRUP) доирасида оила институтини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари ва гендер тенглиги масалалари бўйича Адлия вазирлиги билан ҳамкорлик меморандуми доирасида вазирликнинг ҳудудий бошқармалари мутахассислари учун Ўзбекистон Республикасининг "Медиация тўғрисида"ги Қонуни мазмун-моҳиятини кенг ёритиш, медиация тартиб-таомили ҳақида таянч билимлар бериш, медиацияни ўтказиш учун зарур бўлган низоларни ҳал этиш бўйича амалий кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган тренинглари айтиш мумкин. Тренинг ўқув дастуридан *соҳага оид хорижий тажриба, медиаторнинг касбий этикаси, медиация бошқичлари, медиацияни ўтказишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш, "низо", "кокус", "эмпатия", "рефрейминг", "медиабеллик"* тушунчалари ҳақида назарий билимлар ўрин олган. Тренинг доирасида мутахассислар *стресс ва низоларни бошқариш, кейслар билан ишлаш, коммуникацияга киришишда медиация усулларидан фойдаланиш, актив тинглаш, вербал ва невербал коммуникация кўникмаларига эга бўлишди.*

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ходимларнинг касбий компетентлигини муттасил ривожлантириш, соҳага илғор технологияларни татбиқ этиш, хусусан, медиация усулининг касбий амалиётга татбиқ этилиши мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, оила институтини мустаҳкамлашнинг яна бир ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилади.